# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

№ 6 2021 жыл

*Илимий-методикалық журнал*

**Редактор:**
*А. Тилегенов*

**Редколлегия ағзалары:**
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Гулбахар АБЫЛОВА
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**
*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы*

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды №01-044-санлы гүўалық берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

***Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифт тинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.***

## МАЗМУНЫ

### ТИЛ Х.ЭМ ЭДЕБИЯТ

**Shermatova Z.** *Grammar competence as a significant aspect of language teaching process....4-8*

### *ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ*

***Каримжанов А., Каримжонова Д.*** *Таълим-тарбия жараёнида технологик тарздаги ҳодисалар ва тавсифлар…………………………………………………………………………......9-12*

***Жабборова О.М.*** *Давлат олий таълим муассасалари тютерларининг фаолият асослари…..............................................................................................................................12-17*

***Тоштемирова С.А.*** *Бўлажак тарих ўқитувчиларининг педагогик касбий компетентлигини ривожлантиришда инновацион ёндашувлар…………..........……………………….………17-24*

**Bozorov N.N.** *Kelajakdagi it mutaxassislarning kasbiy kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish metodikasi……………………………………………………………........………24-29*

***Умарова З.А.*** *Ўзбекистонда педагогик конфликтология муаммоларини ўрганиш тенденциялари………….........……………….………………………………………………......29-32*

**Qurbonova M.F.** *Mustaqil ishlar jarayoni:“o'rganishdan - o'rgatishgacha” usuli………....32-36*

**Kushnazarova Yu.K.** *Mathetics is an apprenticeship - as a direction for experience………36-40*

### *МИЛЛИЙ ИДЕЯ Х.ЭМ РУУХЫЙЛЬЩ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ*

***Абдуллаев А.А.*** *Паркент тумани микротопонимларини тарихий этимологик тадқиқ қилишда лингвомаданий жиҳатлар…………………………………………………………......41-45*

***Ғанибаева Б.Ш.*** *“Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни ўрганиш методикаси.....................................................................................................................................46-49*

### *ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА*

**Beketov N.A.** *Matematikani o'qitishda o'quvchilarning kasbiy tayyorgarliklarini tashkil etish.......................................................................................................................................49-53*

***Алимов Б.Н.*** *Масалаларнинг кўринишини ўзгартириш ўқитишни касбга йўналтирилганлик воситаси сифатида…...................................………………………………………………….....53-58*

***Наримбетова З.А.*** *Умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг узвийлиги……........……………………………………………………………………….……58-61*

### *БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕНКЕ ШЕКЕМГИ ТЭРБИЯ*

***Хурвалиева Т.Л.*** *Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришда ўйин технологияларидан фойдаланиш имкониятлари…………………………………………..…62-66*

**G`ulomova X.** *Savod o'rgatish davrida o`quvchilarni grammatik-orfografik bilimlarni amaliy o'zlashtirishni ta`minlovchi mashqlar…………………………………………………………….66-71*

**Abdullayeva B. P.** *Maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilariga futbol o'yinini o'rgatish texnikasi............................................................................................................................71-77*

***Ташпулатова Д.М.*** *Бошланғич синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичларига тайёрлаш…………………………………….....………………………………………………...78-81*

**Tojiboeva G.R**. *Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi kasbiy kompetentligining darajalari.80-84*

***Орипова Н.Х.*** *Вариатив моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари……………..…84-87*

**Musurmonova M., Sultonov T.M.** *Boshlang'ich sinf o'quvchilarida matematikadan masalalar yechish ko'nikmasini shakllantirishning metodik imkoniyatlari……………………………………88-93*

***Мамбеталиев Қ.А.*** *Бастауыш сыныпта ана тілі пәнін тиімді оқытып үйретудің сапасын арттыруда мәтінмен жұмысты ұтымды ұйымдастыру…………………………….……93-97*

### *ФИЗИКАЛЫК ТЭРБИЯ Х.ЭМ СПОРТ*

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ



# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТЕХНОЛОГИК ТАРЗДАГИ ҲОДИСАЛАР ВА ТАВСИФЛАР

***А. Каримжанов***
*Бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, п.ф.н.*
***Д. Каримжонова***
*ТВЧДПИ, Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси.*

**Таянч сўзлар**: Педагогик технология, методлар, йўллар, усуллар, педагогик жараён, технологик жараён, ўқитиш, тарбиялаш, ҳодисалар, методикавий- технологик, жамоа.

**Ключевые слова:** педагогическая технология, методы, способы, методы, педагогический процесс, технологический процесс, обучение, воспитание, мероприятия, методико-технологический, коллектив.

**Keywords:** pedagogical technology, methods, methods, methods, pedagogical process, technological process, training, education, activities, methodological and technological, team.

Педагогик технология шакллар (формалар), методлар, йўллар, усуллар, тарбиявий воситаларни танлаб олиш ва жойлаштиришни аниқловчи психологик – педагогик кўрсатмаларнинг мажмуидан иборат.

Технология тузилмаларнинг ёрдамида ўқув - тарбия ишининг бironта ёки бир неча жабҳаларига ўқувчиларнинг билимларни, малакаларни ва кўникмаларини ўзлаштирилишида самарали натижаларга эришиш таъминланади. Педагогик жараёнда технология унинг умумий методологиясидан, мақсадлари ва мазмунидан ажралмаган ҳолда намоён бўлади. Технология педагогик жараённинг ташкилий, методик воситаси (қуроли) бўлиб, технологик жараёнларда аниқ амалга оширилади.

Технологик жараён маълум бир педагогик натижага эришишга қаратилган технологик бирликларнинг маълум тизимидан иборатдир. Педагогик жараёнлар технология предмети бўлиб, ўқитиш ва тарбиялаш методлари ва усулларини пухта структуралаш, системалаштириш, программалаштириш, алгоритмлаштириш, стандартлаштириш асосида компьютерлаштириш ва техникавий воситаларни қўллаган ҳолда ташкил этиладиган, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятининг ҳар қандай туридаги аниқ амалий ҳодисалари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ўнлаб муаллифлик методикалар ва технологиялар тақдим этилган бўлиб, педагогик таълимий-тарбиявий тавсифларини алоҳида ажратиб берилмаган.

Педагогикада технологик тарздаги барча ҳодисаларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Йирик методикавий- технологик тузилишлар;
2. Технологик микротузилишлар;
3. Методикавий -технологик системали шаклларни вужудга келтириш;
4. Технологик усуллар;
5. Технологик буғинлар;
6. Методикавий-технологик занжирлар;

7. Педагогик иш натижаларини ҳисобга олишнинг технологиялаштирилган шакллари;

8. Технологик воситалар.

Таълим-тарбиядаги технологик тарздаги ҳодисаларни қуйидагича тавсифлаш лозим:

1. Йирик методикавий-технологик тузилишларга болалар тарбияловчи жамоасини ташкил этишнинг изчил амалга оширилувчи таркибий бўлимлар ҳамда болаларнинг маҳсулдор меҳнатини ташкил қилишнинг таркибий бўғинларини тушунамиз. Педагогик амалиётда технологик интизомни бузиш, бу ўқув тарбия жараёнини барча элементларини амалга оширишининг кетма-кетлигини бузиш ҳолатга йўл қўйган бўлади. Масалан, худди синф раҳбарлари жамоасини ташкил қилиш технологияларини қўллашда ижобий анъаналарни таркиб топтириб издан чиққандай, бинобарон таълим-тарбия жараёнида технологик тарздаги ҳодисаларни таснифлашда технологик интизомга қатъий эътибор қаратиш керак.

Технологик микротузилишлар таълим-тарбия фаолиятнинг турли-туман тавсифлашда педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш методларида пайдо бўлади. Дарсни ҳар хил турларида ҳар хил технологик ҳодисалар пайдо бўлиши мумкин. Жумладан, янги билимларни тушунтириш, ўзлаштириш ва мустаҳкамлашда назорат каби дарснинг таркибий қисмлари комбинациясида технологик тузилиш пайдо бўлади. Масалан, тарбиявий соатлар, тўгарак ва секция ишлари, кечалар ва эрталиклар ҳамда бошқа тадбирларни технологик тавсифлаш мумкин.

Технологик системали шаклларни вужудга келтириш илғор ва наватор педагоглар амалиётида вужудга келиши мумкин. Ўқув тарбия жараёнининг самарадорлиги педагогларнинг айрим, тарқоқ ўқитиш ва тарбиялашига боғлиқ. Мисол учун бошланғич таълимда ўқиш дарсида мавзуни ўрганиш учун ўқув материалнинг ўзига хосликларидан келиб чиққан ҳолда, ўқитувчи фаолият ҳолатларини ва изчил шакллари тизимини яратиши зарур. Ёки биринчи синфда Алифбе фанини ўтишда ўқитувчидан ўқувчиларни ўқиш тезлигини юқори даражага кўтариш учун ҳар бир товуш ва ҳарфни ўқитиш технологияси-методикасига катъий эътибор қаратиши керак. Масалан М ҳарфини ўқитишда МЕ эмас М.. деб талаффўз қилишга аҳамият беришимиз зарур, чунки агар МЕ деб ёки НЕ деб ўқитсак МАН сўзини МЕАНЕ деб ўқишга мажбур бўладики, бу ўқувчиларни ўқиш темпини сусайишига асос бўлади.

Тарбиявий ишда жумладан, педагогик ўзаро таъсир этиш шаклларининг технологик умумлаштирилган тизимини қўллаш мумкин: бирламчи жамоа муаммоли ижтимоий вазият ўқувчилар билан биргаликда фаолият усулларини танлаш. Технологик ҳодисалар тавсифи бу системали билимлар, кўникма ва малакалар, шахснинг хусусиятлари, тарбияланувчининг сифатлари ва одатларини шакллантирувчи, ўзаро таъсир этувчи ўқитиш ва тарбиялаш шаклларининг мақсадга мувофиқ равишда танлаб олинишидан иборат.

Технологик педагогик усул аниқ таълимий ёки тарбиявий вазифани ечишнинг ихчам хусусий йўлидир. Технологик усул ҳеч қачон ажралган ҳолда ишлатилмайди, балки бирон-бир ўқитиш ёки тарбиялаш тизимининг таркибига киради. Технологик педагогик усуллар қуйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин: *таянч сигнал (хабар)схемалар, таянч конспектлар, ўйин, драматизация, диограммалар, хариталар, шартли чизмалар, ёзувлар, расмлар, қўлланадиган вазиятлар ва ҳ.к.* Бошланғич синфларда ўқитишнинг уйин усуллари кенг қўлланилиши мумкин.

Технологик бўғинлар йирик технологик тузилмаларнинг алоҳида қисмларидан иборат. Масалан: ўқитиш ёки тарбиялашнинг мақсади, ўқувчиларнинг билимлари даражаси ёки тарбияланганликларини диагностикалаш, ўқитиш ва тарбиялаш методлари технологик бўғинлардир. Педагогик технологияда технологик бўғинларни аҳамияти бениҳоят катта. Жумладан: агарда аниқ педагогик мақсад бўлмаса педагогнинг иши мазмундан холи бўлади. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилмасдан таълим-тарбия жараёнига киришиш ўқув-тарбия ишини оқибатда бошқариб бўлмайдиган ҳолатгача олиб бориши мумкин.

Шунингдег тарбия технологиясининг биронта бўғини эътибордан ортда қолдирилса, тарбиялаш жараёнининг самарадорлигига салбий таъсир етказиши мумкин. Мисол учун тарбияловчи коллективни ташкил этишда истиқбол ёки коллектив аъзоларига бирдай талаблар, ўз ўзини бошқаришни йўлга қўйиш технологик жараёндан тушириб қолдирилса, технология бузилади, у кутилган натижа бермайди.

Методик-технологик занжирлар кўпчилик ижодкор ўқитувчиларнинг ва тарбиячиларнинг иш тажрибасида малакалар ва кўникмаларни машқини олиш учун яратилади ва қулланилади. Бунинг учун алоҳида технологик бўғинлар ва усуллар мантиқий кетма-кетликда бирлаштирилади. Бола ҳарфларни ўқиш ва мисоллани ечишида толиқишнинг ёки машғулотдарга қизиқишининг йўқолишини олдини олиш учун, ўқитувчи томонидан малакаларни ижодий ишларда, расмларда, ҳар турли вазиятларда турли-туман қўллашнинг усуллари ва йуллари тизимини ишлаб чиқади. Топшириқлар, усуллар, малакаларни қўллашнинг мустақил йуллари “технологик занжирга” соф тортилади. Масалан, болаларни коллектив қулай ҳаётини шакллантиришда навбатчиликни уюштириш, кун тартибини қатъий белгилаш, жамоатчилик топшириқларини бажариш каби технологик бўғинлар тизимидан иборат алгоритм яъне технологик занжир тузилиши мумкин.

Технологик жараёнлар педагогик (ўқув ёки тарбиявий) иш натижаларини ҳисобга олишнинг технологиялаштирилган шакллари билан куроллантирилади.

Педагогик иш натижаларини ҳисобга олишнинг технологиялаштирилган шакллари ёки формалари бу ўқувчиларнинг ижодий фаолликларини рағбатлантирувчи, уларнинг индивидуал мойилликлари, қизиқишлари ва қобилиятларини аниқлашга имкон берувчи педагогик фаолият натижаларини ҳисобга олишнинг технологиялаштирилган формалари билан куроллантирилади.

Технологик воситалар ҳам педагогик-технологик ҳодисалар қаторида муҳим ўрин тутади.

**Адабиётлар:**

1. А.Каримжонов. Таълим тизимни бошқариш асослари.Тошкент 2005 й.

2. А.Каримжонов. Педагогик тизимни бошқаришнинг меъёрий асослари. Тошкент. Фирдавс. 2021 й.

3. А.Каримжонов. Инкишофи нутқ дар давраи таълими савод. Чирчиқ 2021.

4. М.И.Маҳмудов. Проблемное обучения – М: Высшая школа, 1975 г.

5. В.М.Манахов. Проектирование и внедрение новых технологии обучения. Советская педагогика, 1990, №7, ст. 17-22.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада таълим-тарбия жараёнида технологик тарзда ҳодиса ва тавсифларни ташкил этиш ва уларни ўқувчилар ҳаётига боғлиқ тарзда амалга ошириш фаолиятни акс этирган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье отражена организация мероприятий и описаний в учебном процессе технологическим способом и их реализация способом, связанным с жизнью студентов.

**SUMMARY**

In the article, the organization of events and descriptions in the educational process in a technological way and their implementation in a way related to the life of students reflected the activity.

## ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТЮТЕРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ АСОСЛАРИ

***Жабборова Онахон Маннаповна***

*ТВЧДПИ, педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** давлат, олий, таълим, муассаса, тютер, фаолият, вазифа, ҳуқуқ, мажбурият.

**Ключевая слова:** государство, высшей, образование, учреждения, тютер, деятельность, функция, права, ответственность.

**Keywords:** state, higher, education, institutions, tutor, activity, function, rights, responsibility.

Ўзбекистонда олий таълим муассасалари талабалари билан ишлаш, уларнинг лаёқат ва қобилиятини ривожлантириш ҳамда касбий компетенцияларини кутилган даражада шакллантириш масалаларида янгича ёндашувларга асосланган ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай ишлардан бири давлат олий таълим муассасаларида ташкил этилган тютерлик фаолиятидир[1].

“Тютер” сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида “маслаҳатчи” маъносини англатади. Хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасаларида тютерлар талабалар билан ишловчи, уларни йўналтирувчи ва талабаларнинг муаммоларини ҳал этишда ёрдам берувчи ходимлар ҳисобланади. Мазкур тажрибадан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сонли Қарори билан мамлакатимиз давлат олий таълим муассасаларида тютерлик фаолияти ташкил этилди[1]. Мазкур қарор билан тасдиқланган Намунавий низомга кўра, тютерлик фаолиятининг асосий *мақсади* қуйидагилар ҳисобланади:

- таълим ва тарбия жараёнини уйғун ҳамда самарали ташкил этиш;
- талабаларнинг ўзаро муносабатларини оқилона шакллантириш;
- талабаларга ижтимоий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш;
- талабаларнинг дарс машғулотларининг ўзлаштиришини таҳлил қилиб бориш.

Эътибор берилса, мазкур мақсадлар асосида тютерлар талабаларнинг энг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси сифатида фаолият юритади. Шу сабабли таъкидланган Низомда тютерларнинг асосий *вазифалари* сифатида қуйидагилар белгиланган:

1. ***Маънавий-маърифий ва аҳлоқий тарбия соҳасида.*** Мазкур соҳада тютерлар кўп ҳолларда бевосита талабалар ва уларнинг ота-оналари билан ишлайди. Бугунги кунда давлат олий таълим муассасаларида ўқитишнинг кредит-модуль тизими амал қилмоқда. Бундай шароитда тютерларнинг бу соҳадаги вазифалари сифатида қуйидагилар аниқ белгилаб қўйилган: